

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/25.08.2022.S.24.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

ГАФАРОВ ИСЛОМХОН НОЗИМХОНОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА АҚШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТАШҚИ СИЁСАТИ (ҲИНДИСТОН ВА ПОКИСТОН МИСОЛИДА)**

23.00.04 – “Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари”

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии по политическим наукам (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract
of the Doctor of philosophy (PhD) in Political science**

Гафаров Исломхон Нозимхонович Жанубий Осиё минтақасида АҚШнинг замонавий ташқи сиёсати (Ҳиндистон ва Покистон мисолида)	3
Гафаров Исломхон Нозимхонович Современная внешняя политика США в Южной Азии (на примере Индии и Пакистана)	25
Gafarov Islomkhon Nozimkhonovich Modern foreign policy of the USA in South Asia (in the case of India and Pakistan)	46
Нашр қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных научных работ List of published scientific works	50

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/25.08.2022.S.24.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

ГАФАРОВ ИСЛОМХОН НОЗИМХОНОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА АҚШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТАШҚИ СИЁСАТИ (ҲИНДИСТОН ВА ПОКИСТОН МИСОЛИДА)**

23.00.04 – “Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари”

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Ss489 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузуридаги Истикболли халқаро тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Акрам Азаматович
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Расмий оппонентлар:

Жумаев Рустам Зиятович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Рахимов Мирзохид Акрамович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузуридаги DSc.11/25.08.2022.S.24.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил "29" 19 куни соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54). Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz.

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 180 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (99871) 267-67-69.

Диссертация автореферати 2024 йил "18" ноябрь куни тарқатилди.
(2024 йил "18" ноябрь № 04 - рақамли реестр баённомаси).



Ш.М. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, с.ф.д., профессор

У.Р. Дустов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий қотиби, с.ф.д., доцент

Қ.А. Жўраев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, с.ф.д.,
профессор

I. КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йигирма йил вақт оралиғида Жанубий Осиё минтақаси халқаро муносабатларга таъсир кўрсатган глобал тенденцияларнинг маркази бўлди. Ҳиндистоннинг халқаро майдондаги позициялари кескин кучайиши, у томонидан “Шимол-Жануб” халқаро транспорт коридорининг йўлга қўйилиши, Ҳиндистон ва Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кириши, Кашмир масаласида зиддиятнинг ортиши, Ҳиндистон ва Покистон ўртасида ядровий кескинликнинг кучайиши, АҚШнинг яқин иттифоқчиси бўлган Покистоннинг Хитой томон оғиши, Хитой-Покистон иқтисодий коридорининг “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг бир қисми деб эълон қилиниши, Америка Қўшма Штатларининг Афғонистонга кириши, халқаро террорчи кучларнинг кучайиши, Толибоннинг Афғонистон ҳукумати тепасига келиши ва у билан дипломатик мулоқотнинг бошланиши шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Жанубий Осиё векторининг аҳамияти 2016 йилдан сўнг сезиларли даражада ошганлиги кузатилмоқда. Марказий Осиёда ўзаро мулоқот муҳитининг яхшиланиши ва 2018 йилдан бошлаб давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг жорий этилиши минтақадаги кўплаб муаммоларга ечим топилишига олиб келмоқда. Ушбу яхши қўшничилик сиёсати Марказий Осиё давлатларининг Жанубий Осиёга қаратилган ташқи сиёсатининг замини бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги боғлиқликда энг фаол иштирокчилардан бири бўлиб келмоқда. 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” номли йирик халқаро конференция бунинг ёрқин мисолидир.

Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари боғлиқлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда”¹, - деб алоҳида таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» Стратегиясининг 92-мақсадида “Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка минтақасидаги мамлакатлар билан мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш, янги ва истиқболли йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, кенг минтақаларни боғловчи ва Ўзбекистонни жаҳон бозорига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. 16 июль 2021й. <https://president.uz/uz/lists/view/4484>

чиқишига имкон яратувчи транспорт-логистика йўлакларини шакллантириш” вазифаси белгиланган².

Бугунги кунда Жанубий Осиё минтақаси қуйидаги омиллар туфайли Ўзбекистон ташқи сиёсати учун долзарб аҳамият касб этмоқда: Жаҳон савдо портларига чиқиш имконияти; ташқи иқтисодий алоқаларни диверсификация қилишда янги иқтисодий ҳамкорлар; Афғонистон ва Жанубий Осиёдаги ҳавфсизлик масалалари; Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигида Ўзбекистоннинг транзит ҳудудга айланиши; Ҳиндистон ва Покистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш орқали жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг дипломатик салоҳиятини ошириш; минтақалар халқлари ўртасидаги умумий қадриятлар, хусусан, тарихий, диний, маданий ва ижтимоий омилларга асосланган боғлиқликнинг тикланиши ва ҳақозо.

Ушбу диссертация иши “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎзР қонуни (2012 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Марказий ва Жанубий Осиё: Минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция (Тошкент, 2021 йил 15-16 июль) яқунларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида”ги 2021 йил 30 июлдаги СҚ-344-IV-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Марказий ва Жанубий Осиё: Минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан баён этилган ғоялар ва ташаббусларни илгари суриш тўғрисида”ги 2021 йил 24 июлдаги 1187-IV-сон қарори ва мазкур мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” деб номланган устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. АҚШнинг замонавий ташқи сиёсати, хусусан, Жанубий Осиё минтақаси векторига бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг йирик тадқиқот марказларида фаолият олиб бораётган сиёсатшунос олим ва мутахассисларнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Жумладан, америкалик олимлар А.Вендт, Г.Киссинжер, З.Бжезинский, Ф.Старр, С.Уолт, Р.Каплан, Г.Аллисон, К.Ёргенсон, Т.Дюн, М.Курки, С.Смит, М.Кауппи, П.Виотти, Ч.Роуз-Смит, С.Вебер, Р.Жэксон, Ж.Комбс ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

А.Шлезингер томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлардан диссертациянинг назарий ва методологик қисмида фойдаланилди³.

К.Фэйр, К.Алан, Л.Карнес, И.Эндрю, Л.Сатиндер, Р.Шовни, С.Дэвид, С.Стефен, К.Манож, Э.Лэмон, Н.Диксит, Х.Самар ва Б.Жардин каби олимларнинг тадқиқотлари орқали АҚШнинг Ҳиндистон ва Покистон билан муносабатлари ёритилди⁴.

Мазкур йўналишда покистонлик олимлар ва экспертлар: М.Наваз, М.Шахин, А.Саиф, И.Васим, А.Иштиак, С.Махмуд Али, А.Мунис ва Х.Мунавар, шунингдек, Ҳиндистонлик мутахассислар: А.Панагария, Ш.Гупта, К.Шарма, Т.Чопра, Ш.Диведи ва Г.Ахангер изланишлар олиб борган⁵.

Жанубий Осиё минтақаси билан боғлиқ муаммолар МДҲ ва Марказий Осиё мамлакатлари олимлари ва экспертларидан Ф.Лукьянов, В.Гаврилова,

³ Wendt A. Constructing international politics. MIT: International security, Vol.20, №1. 1995. – 71p.; Kissinger H. Diplomacy. New York: Simon & Shuster. 1994. – 719-732p.; Brzezinski Z. The grand chessboard: American primacy and its geostrategic imperatives. Washington: Basic Books. 1998. – 78p.; Starr F. U.S. policy in Central Asia through Central Asian eyes. Central Asia - Caucasus Institute. 2023. <https://www.silkroadstudies.org/resources/230504-SRP-Fred-full.pdf>; Walt S. International relations: One world, many theories. Foreign Policy. 1998. – 31-44p.; Kaplan R. The Revenge of Geography: What the Map Tells Us About Coming Conflicts and the Battle Against Fate. New York: Random House Trade Paperbacks. 2012. – 29p.; Allison G. The Thucydides Trap: Are the U.S. and China Headed for War? The Atlantic. September 24, 2015. <https://www.theatlantic.com/international/archive/2015/09/united-states-china-war-thucydides-trap/406756/>; Jørgensen K. International Relations Theory: A New Introduction. United Kingdom: Macmillan. 2018. – 1-2p.; Dunne T., Kurki M., Smith S. International Relations Theories. Oxford University Press. 2013. – 187-193p.; Kauppi M., Viotti P. International relations theory. Lanham: Rowman & Littlefield. 2020. – 146-159p.; Reus-Smit Ch., Snidal D. International Relations. Oxford University Press. 2008. – 348p.; Weber C. International Relations Theory. New York: Routledge. 2001. – 62-63p.; Jackson R., Sørensen G. Introduction to International Relations. Oxford University Press. 2013. – 209-212p.; Combs J. The history of American foreign policy from 1895. New York: M.E.Sharpe. 2012. – 14-72p.; Schlesinger A. A Thousand days: John F.Kennedy at the White House. Boston: A Mariner book. 2002. – 667-823p.

⁴ Fair C. Pakistan's strategic culture: Implications for how Pakistan perceives and counters threats. Washington: The National Bureau of Asian Research. 2016. – 3p.; Alan K. Pakistan and U.S.-Pakistan Relations. Congressional Research Service. May 22, 2023. – 9p. <https://crsreports.congress.gov/product/pdf/R/R47565>; Carnes L., Andrew E. Rebalancing U.S. forces: Basing and forward presence in the Asia-Pacific. Annapolis: Naval Institute press. 2014. – 140-141p.; Satinder L. The Durand Line. Indian Foreign Affairs Journal. 2012. – 42p.; Sawhney R. Afghanistan through the fog of instability. India: Rupa. 2023. – 128p.; David S. India's relations with Pakistan. Royal A. 2011. – 62p. <https://dscottcom.files.wordpress.com/2019/08/india-book-pakistan.pdf>; Stephen C. Kashmir: The Roads Ahead. March 1, 1995. Brookings. <https://www.brookings.edu/articles/kashmir-the-roads-ahead/>; Manoj K. Cultural Migration from Pakistan and Impact of these Cultures on Northern Haryana after the Partition of India. IJRAR. Kurukshetra University. 2018. – 188-189p. http://ijrar.com/upload_issue/ijrar_issue_647.pdf; Dixit N. India and Pakistan in war and peace. London: Routledge. – 2002. – 5p.; Samar H. India and Pakistan: Common identity and conflict. Geneva: Webster University. 2005. – 74-79p. <https://core.ac.uk/download/pdf/85217741.pdf>; Jardine B., Lemon E. In Russia's Shadow: China's Rising Security Presence in Central Asia. 2020. 1-2p.

⁵ Nawaz M., Shaheen M., Saif A. The US Policy Toward South Asia: An Historical Assessment. University of Sargodha. Journal of Historical Studies. 2020. – 270-271p.; Waseem I. United States Foreign Policy Towards South Asia; Analyzing Implications for Pakistan. Global Political Review. 2020. – 24p.; Ishtiaq A. The U.S. Af-Pak Strategy: Challenges and Opportunities for Pakistan. Asian Affairs: An American Review. 2010. – 191p.; Mahmud Ali S., Cold war in the high Himalayas: The USA, China and South Asia in the 1950s. London & New York: Routledge. 1999. – 4p.; Moonis A. Changing Dynamics of Pak-US Relations and the Challenge of Soft Power. LSE IDEAS | JINNAH PAPERS. 2021. – 15-16p. https://eprints.lse.ac.uk/114516/1/Ahmar_changing_dynamics_of_pakistan_us_published.pdf; Munawar H. Pak-US Relations: An Historical Overview. Pakistan Journal of History and Culture, Vol. XXXVII, No. 2. 2016. – 69-71p.; Panagariya A. India: The emerging giant. Oxford: Oxford University press. 2008. – iiiip.; Chopra T., Singleton Sh. Russia supplying S-400 air defense systems to India on schedule - defense official. Reuters. August 14, 2023. <https://www.reuters.com/business/aerospace-defense/russia-supplying-s-400-air-defence-systems-india-schedule-defence-official-2023-08-14/>; Sharma K. India's Russian imports soar 400% as U.S. offers little resistance. February 17, 2023. <https://asia.nikkei.com/Economy/Trade/India-s-Russian-imports-soar-400-as-U.S.-offers-little-resistance>; Gupta Sh. US' Legion of Merit award for QUAD architects sends multiple messages. December 22, 2020. <https://www.hindustantimes.com/india-news/us-legion-of-merit-award-for-quad-architects-sends-multiple-messages/story-bSHX0b7SNJXkmxTiHVU8hI.html>; Dwivedi Sh., Ahanger G. India in The United States South Asia Policy. Shodhasamhita, Vol. No IX. 2022. – 62-65p.

Е.Брагина, И.Истомин, К.Зоидов, А.Медков, А.Муратбекова, У.Иброхимзода ва Т.Умаровнинг ишларида тадқиқ этилган⁶.

Мамлакатимиз олим ва мутахассислари С.Сафоев, Ш.Абдуллаев, Э.Арипов, А.Хайдаров, А.Умаров, У.Хасанов, У.Ишанходжаев, М.Шукурзода, Н.Умарова, Р.Асадова, Н.Ибрагимова, Х.Болтаев ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилаётган муаммонинг турли жиҳатлари кенг таҳлил қилинган⁷.

Шунга қарамасдан, АҚШнинг Жанубий Осиё минтақасига эътибори кучайиши ва шу вақтнинг ўзида Афғонистондан чиқиб кетиши Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг манфаатларига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шунини инобатга олган ҳолда мазкур муаммоларни Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Замонавий халқаро муносабатлар ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. АҚШнинг Жанубий Осиё минтақасидаги ташқи сиёсати, хусусан, Ҳиндистон ва Покистон билан муносабатларининг

⁶ Лукьянов Ф. Глобальное большинство – на перекрестке мировой политики? Проблемы национальной стратегии. 2023г. - 34-41стр.; Брагина Е. Индия и Пакистан стали членами ШОС. ИМЭМО РАН. Июнь, 2017г. <https://www.imemo.ru/news/events/text/indiya-i-pakistan-stali-chlenami-shos?ret=527>; Гаврилова В. Политика США в Южной Азии после окончания холодной войны. Вестник Томского государственного университета. 2013г. – 80с. <https://cyberleninka.ru/article/n/politika-ssha-v-yuzhnoy-azii-posle-okonchaniya-holodnoy-voyny/viewer>; Истомин И. Политика США в Индо-тихоокеанском регионе. РСМД, № 49. Москва. 2019г. – 14с.; Муратбекова А. Глобальный юг и текущая геополитика. Eurasian Research Institute. 2023г. <https://www.eurasian-research.org/publication/the-global-south-and-current-geopolitics/?lang=ru>; Иброхимзода У. Китайский формат С+С5. Cabar.Asia. Май, 2023г. <https://cabar.asia/ru/kitajskij-format-s-s5-vzglyad-iz-dushanbe>; Зоидов К., Медков А. Экономические интересы России и развитие транспортно-транзитных систем Афганистана и других стран Центральной Азии. Проблемы рыночной экономики. 2021г. – 145стр.; Umarov T. Why Russia Sees Little Threat in China’s Growing Involvement in Tajikistan. Carnegie endowment for international peace. December, 2021. <https://carnegiemoscow.org/commentary/86103>.

⁷ Сафоев С., Абдуллаев Ш. Трансформация мировой системы и внешнеполитические приоритеты Узбекистана. Международные отношения, №5-6. 2022г. – 8стр.; Арипов Э. «Мазари-Шариф — Пешавар»: коридор в новое будущее Центральной и Южной Азии. 1-4 стр. <https://isrs.uz/ru/page/pdf/mazari-sarif-pesavar-koridor-v-novoe-budusee-centralnoj-i-uznoj-azii>; Khaydarov A. The religious ideology of the Taliban and its impact on the regional socio-political situation in Central Asia. https://iais.uz/storage/files/1/PR:%20A.Khaydarov_Taliban%20ideology_5%202.pdf; Умаров А. Афганистан и региональная безопасность Центральной Азии: начало XXI века. УМЭД. 2017г. – 107стр.; Khasanov U., Gafarov I. Changing specifics of the regional development. UWED: International Affairs, Vol 7-8. 2023. – 33-34р.; Ишанходжаев У. Основы государственного управления и политическая система США. УМЭД. 2023г. – 327стр.; Шукурзода М. Ўзбекистон-АҚШ: стратегик шерикчиликнинг янги даври далиллар ва рақамларда 1991-2021. “Нисо полиграф”. 2021й. – 44 б. Умарова Н. Коридоры больших ожиданий: как Узбекистан выходит из транспортного тупика? 26 апреля 2024г. <https://cabar.asia/ru/koridory-bolshih-ozhidanij-kak-uzbekistan-vyvodit-iz-transportnogo-tupika>; Асадова Р. Ўзбекистон-Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик: Тарихий асоси ва замонавий ҳолати. Диссертация. 2007й. – 216. <https://diss.natlib.uz/tanishish/e959ba1d-072b-4302-bdec-01d6ecf3da2d>; Ибрагимова Н. Сравнительный анализ политических взаимоотношений Республики Узбекистан с Республикой Индией и Исламской Республикой Пакистан на современном этапе. Диссертация. 2004г. – 19стр. <https://diss.natlib.uz/tanishish/3f547946-2507-4f5a-8c34-4964ceb77472>; Boltaev N. China – Taliban: diplomatic rapprochement. Institute for Advanced International Studies (UWED). February, 2024. <https://iais.uz/en/outputnew/kitay-taliban-diplomaticheskoe-sblizhenie>.

Ўзбекистон ташқи сиёсатига таъсирини аниқлаш ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- АҚШнинг Жанубий Осиё минтақасидаги ташқи сиёсати концептуал асосларини ўрганиш;
- Минтақа кесимида АҚШ-Ҳиндистон муносабатларини таҳлил қилиш;
- АҚШ-Покистон муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- Ҳиндистон-Покистон ўзаро муносабатларида АҚШ омилини очиб бериш;
- Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўзаро боғлиқлигида ташқи кучларнинг ўрнини очиб бериш;
- Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўзаро боғлиқлигида Ўзбекистоннинг аҳамиятини ўрганиш.

Тадқиқот объектини Жанубий Осиё минтақасидаги АҚШнинг замонавий ташқи сиёсати ташкил қилади.

Тадқиқот предметини АҚШнинг Ҳиндистон ва Покистон билан ўзаро муносабатлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатига таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий, қиёсий-сиёсий, контент ва ситуатив таҳлил, тизимли ёндашув, мантиқий ҳамда статистик таҳлил ва бошқа тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Конструктивизм АҚШнинг Жанубий Осиё минтақасига қаратилган замонавий ташқи сиёсатининг муҳим концептуал-назарий асоси эканлиги далилланган;
- АҚШнинг Жанубий Осиёдаги ташқи сиёсатининг эволюцияси етти тарихий даврга бўлиниб, илмий асосланган;
- АҚШнинг Жанубий Осиёдаги сиёсати Ўзбекистон ташқи сиёсий манфаатлари призмаси орқали таҳлил қилиб, унинг стратегик аҳамияти ва Ўзбекистон учун муҳимлиги далилланган;
- Жанубий Осиё минтақасига бўлган ташқи кучлар, хусусан, Россия ва Хитойнинг таъсири ҳамда уларнинг Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига боғлиқлиги исботланган;
- Минтақалар боғлиқлиги бўйича Ўзбекистоннинг аҳамияти ва халқаро лойиҳалар татбиқида Ўзбекистон асосий ташаббускор давлат бўлиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари боғлиқлиги йўлида кўплаб мураккаб муаммолар борлиги ва уларнинг ечимида Ўзбекистон Республикаси асосий иштирокчи сифатида фаол ташқи сиёсат олиб бориши зарурлиги илмий асослаб берилган;

- ЎзР Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» Стратегиясининг 92-мақсади ижроси бўйича амалий хулосалар келтирилган;

- Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақалараро боғлиқликни мустаҳкамлаш йўналишида замонавий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий иш натижаларининг ишончлилиги даражаси нуфузли маҳаллий ва хорижий олимларнинг, шунингдек, диссертация мавзусига оид 200 га яқин илмий тадқиқот ишларидан, статистик ва таҳлилий ҳужжатлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Ҳимояга тақдим этилган илмий хулосалар диссертантининг Ҳиндистон, Покистон, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Туркия ва Марказий Осиё мамлакатларига хизмат сафарлари ва халқаро конференциялардаги иштироки давомидаги кузатишлари натижаси ҳам ҳисобланади. Олинган маълумотлар ишончли, таҳлил натижалари шарҳланган, хулосалар етарли даражада асосланган, шу жумладан Ҳиндистон ва Покистон бўйича мутахассислар билан суҳбат ва интервьюлар ўтказилган, шунингдек, асосий тадқиқот натижалари илмий конференциялар ва илмий журналларда чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялар келгусида мазкур йўналишдаги тадқиқот ишларининг методологияси ва усулларини такомиллаштиришда, “Халқаро муносабатлар назарияси”, “Геосиёсат”, “Минтақашунослик” ва “Жаҳон сиёсатида Жанубий Осиё” каби фанларнинг илмий-назарий жиҳатларини бойитишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, олиб борилган тадқиқот конструктивизм халқаро муносабатлар назариясини янада ривожлантиришга ва уни Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий амалиётида қўллаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади:

- Тадқиқот натижаларида ишлаб чиқилган хулосалар, таклифлар ва тавсиялар, АҚШнинг Жанубий Осиёдаги ташқи сиёсати, ушбу минтақадаги замонавий сиёсий ва геосиёсий ҳолат, Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигига оид муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича, давлат бошқарув органлари, ташқи сиёсат билан шуғулланувчи органлар ва тадқиқот марказлари мутахассислари учун ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлашда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- Диссертация доирасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» Стратегияси тўғрисида»ги Фармонини амалга оширишда фойдаланиш мумкин;

- Диссертация материаллари ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларни ўрганувчи таълим муассасаларининг махсус ўқув фанлари мазмунини бойитишда ва ўқув машғулотларини ташкил этишда ҳамда ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари ва илмий лойиҳаларни амалга оширишда илмий-услубий кўрсатма вазифасини ўташи мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертациянинг янгилиги, илмий асосланган хулосалари, таклиф ва тавсиялари мамлакатимизнинг Жанубий Осиё минтақаси билан алоқаларини ривожлантириш, Жанубий ва Марказий Осиё минтақалари ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, Трансафғон коридорининг истиқболи, Жанубий Осиёдаги геосиёсий вазиятнинг Ўзбекистонга таъсири, шунингдек, Ўзбекистон-Ҳиндистон ва Ўзбекистон-Покистон муносабатларига бағишланган илмий-таҳлилий хужжатларни тайёрлашда самарали қўлланилди.

Бундан ташқари, Трансафғон коридори курилиши истиқболи бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар Марказий Осиёдаги ҳамкор-ақл марказлари ҳамда Жанубий Осиё мамлакатлари, хусусан, Покистон вакиллари билан олиб борилган музокаралар ва улар якуни бўйича таҳлилий хужжатлар тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2024 йил 16 августдаги 14/1042-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2024 йил 15 июлдаги 05-1/718-сон далолатномалари).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 3 та, хорижий журналда 1 та илмий мақола ва 4 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 9 параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 141 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, хорижий ва маҳаллий илмий адабиётларда ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқот объекти, предмети, мақсад ва вазифалари асосланган, диссертация ишининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг методлари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётда татбиқ қилиниши, диссертациянинг апробацияси, нашр қилинган ишлари, тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“АҚШнинг Жанубий Осиё минтақасидаги ташқи сиёсатининг концептуал асослари”** деб номланиб, у уч параграфдан иборат. Биринчи параграф **“Конструктивизм сиёсий назариясининг асослари, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари”**га бағишланиб, унда конструктивизмнинг бошқа халқаро муносабатлар назарияларидан фарқлари, унинг давлат манфаатлари, ҳокимият, ўзига хослик,

ўзгарувчанлик, рационализм ва анархия каби тушунчалар билан ўзаро муносабати таҳлил қилинган.

Конструктивизмга кўра халқаро муносабатлардаги жараёнлар мафкуравий ва маданий омилларга таянади. Халқаро муносабатларда аниқ ва ўзгармас қоидалар ҳамда принциплар йўқдир, барча жараёнлар вақтинча бўлиб, давр ва шарт-шароитлардан келиб чиқади ҳамда ўзгарувчан ва мослашувчан характерга эга. Бугунги кунда АҚШда конструктивизм энг долзарб назариялардан бири бўлиб, ушбу давлат ўз ташқи сиёсатида ундан унумли фойдаланмоқда.

Мазкур бобнинг **“АҚШ ташқи сиёсатининг конструктивистик жиҳатлари”** деб номланган параграфда АҚШ ташқи сиёсати комплекс характерга эга эканлиги, унинг ижросида аксарият халқаро муносабатлар назарияларига хос бўлган принциплар қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Тарихий жараёнлар таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ташқи сиёсатини конструктивистик призма орқали ўрганиш уни бошқа ёндашувларга нисбатан чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Диссертантнинг фикрига кўра, АҚШ ташқи сиёсатида изоляционизмдан интернационализм сиёсатига ўтиш жараёни, давр ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, Россия, Хитой, Япония, Буюк Британия, Германия ва бошқа давлатларга бўлган ёндашувлар ўзгариши, ташқи сиёсатни идрок қилиш ва рефлексияларнинг ранг-баранглиги конструктивистик жиҳатларнинг мисолидир.

“Жанубий Осиё минтақасида АҚШ ташқи сиёсатининг генезиси” деб ном олган учинчи параграфда АҚШнинг Жанубий Осиё минтақасидаги ташқи сиёсати куйидаги етти даврга бўлинган ҳолда ўрганилган: 1947-1965 йиллар, 1965-1979 йиллар, 1979-1989 йиллар, 1989-1998 йиллар, 1998-2001 йиллар, 2001-2021 йиллар, 2021 йилдан ҳозирги кунгача.

Биринчи давр (1947-1965 йиллар)да АҚШ ташқи сиёсати Жанубий Осиё минтақасида, асосан, халқаро миқёсда ривож топаётган коммунизмни “тийиб туриш”га қаратилган бўлиб, минтақа АҚШ учун иқтисодий эмас, балки кўпроқ стратегик аҳамият касб этган. Покистон коммунизмга қарши курашда АҚШнинг энг ишончли ҳамкорларидан бири ҳисобланарди. Бу эса, ўз навбатида, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё бўйлаб “антикоммунистик девор” қуришга имкон яратар эди. Бундан ташқари, атеизмни тарғиб қилаётган СССРга қарши туришда ҳам дин омили негизида бирлашган Покистон давлати АҚШга қулай ҳамкор ҳисобланарди. Дин омили инobatга олиниши ўша даврдаги АҚШ маъмурияти коммунизмнинг минтақавий “тийиб туриш” сиёсатига конструктивистик ёндашганлигидан далолат берарди. Бу даврда АҚШ-Ҳиндистон муносабатлари Ҳиндистоннинг Қўшилмаслик ҳаракатидаги иштироки боис анча пассив характерда эди.

Иккинчи давр (1965-1979 йиллар)да АҚШнинг Жанубий Осиёдаги ташқи сиёсатида пассивлик намоён бўлади. 1965-1973 йй. Вьетнамда кечган уруш АҚШнинг диққат эътибори Жанубий-Шарқий Осиёга кўчишини тақозо қилади. Натижада, АҚШ Жанубий Осиё ва Покистондан узоқлашади. АҚШ 1965 йил ҳамда 1971 йилда Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги урушларга аралашмайди.

Учинчи давр (1979-1989 йиллар)да Совет давлатининг Жанубий Осиё минтақаси, хусусан, Афғонистонга ўз кўшинларини киритиши АҚШнинг ушбу минтақага бўлган эътиборини яна кучайтирди. Афғонистонда СССРга қарши туриш мақсадида Покистон АҚШнинг асосий иттифоқчисига айланади.

Тўртинчи давр (1989-1998 йиллар) Совет давлати парчаланиши ва “Совуқ уруши” ўз ниҳоясига етиши билан характерланади. Бу даврда АҚШ “глобал гегемония”га интилиб, барча минтақаларда ўз позицияларини мустаҳкамлаб олишни бошлаганди. Бу даврда АҚШни Ҳиндистоннинг тобора ривож топаётган иқтисоди қизиқтирган бўлса, Покистон ўзининг стратегик жиҳатдан муҳимлигини ҳали-ҳануз сақлаб қолган эди.

Бешинчи давр (1998-2001 йиллар)да АҚШнинг Жанубий Осиёга бўлган илиқ муносабатлари барҳам топди. Бунинг асосий сабаби сифатида Ҳиндистон ва Покистонда ядро қуроли синовлари ўтказилишини кўрсатиш мумкин.

Олтинчи давр (2001-2021 йиллар). 2001 йил 11 сентябрь воқеалари АҚШнинг эътиборини яна Жанубий Осиёга қаратади. Глобал терроризмга қарши курашиш мақсадида АҚШ ўз кучларини Афғонистонга олиб киради. Бунда Покистон ўзига хос форпост вазифасини бажариб беради. Бир вақтнинг ўзида Ҳиндистон билан ҳам иқтисодий алоқалар ривож топа бошлайди. Ҳиндистон аҳамияти ошишига яна бир омил, яъни Хитой кучайиши сабабчи бўлади. Хитойга контрбаланс яратиш мақсадида АҚШ Ҳиндистонни иттифоқчи сифатида кўра бошлайди.

Еттинчи давр (2021 йилдан ҳозирги кунгача) АҚШ қуроли кучларининг Афғонистондан олиб чиқилиши билан боғлиқ. Бунинг натижада, Покистон омили АҚШ ташқи сиёсатида сезиларли даражада пасаяди, бироқ терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик сақланиб турибди. Ҳиндистонга нисбатан эса “Мудофаа соҳасидаги асосий ҳамкор” ибораси қўлланила бошланди. Замонавий даврда АҚШнинг Жанубий Осиёдаги ташқи сиёсатида Ҳиндистон устувор йўналишга айланганлигини кўриш мумкин.

№	Давр	Йўналишлар	Асосий воқеалар ва ҳамкорлар
1.	1947-1965 йиллар.	АҚШнинг Жанубий Осиё минтақасида коммунизмни тийиб туришга қаратилган сиёсати.	АҚШ Покистон билан яқин алоқалар ўрнатди, коммунизмга қарши “антикоммунистик девор” курди; АҚШ-Ҳиндистон муносабатлари Ҳиндистоннинг Қўшилмаслик ҳаракатидаги иштироки боис пасив ҳолатда бўлди.
2.	1965-1979 йиллар.	Вьетнам уруши сабабли АҚШнинг Жанубий Осиёдаги ташқи сиёсатининг пасивликлари.	АҚШ Вьетнам уруши туфайли Жанубий-Шарқий Осиёга кўпроқ эътибор қаратди; АҚШ 1965 ва 1971 йиллардаги Ҳиндистон-Покистон урушларига аралашмади ва

			Покистон билан муносабатлари совуқлашди.
3.	1979-1989 йиллар.	АҚШнинг СССРга қарши кураши ва Афғонистон уруши даври.	АҚШ Совет Иттифоқининг Афғонистонга киришини кескин танқид қилди ва Покистонни асосий иттифокчиси сифатида қўллаб-қувватлади; АҚШ Афғонистондаги мужоҳидларга молиявий ва ҳарбий ёрдам кўрсатди.
4.	1989-1998 йиллар.	Совет Иттифоқининг парчаланиши ва АҚШнинг глобал гегемонияга интилиши.	АҚШ СССР парчаланишини ўз ғалабаси сифатида баҳолади; АҚШ Ҳиндистоннинг иқтисодий ривожланишига қизиқиш билдирди ва Покистон билан стратегик муносабатларни сақлаб қолди.
5.	1998-2001 йиллар.	Ҳиндистон ва Покистоннинг ядро қуроллари синовлари сабабли АҚШнинг уларга бўлган муносабати ёмонлашди.	АҚШ Ҳиндистон ва Покистоннинг ядро қуроллари синовларига жавобан санкциялар жорий қилди ва икки давлат билан муносабатлар кескинлашди.
6.	2001-2021 йиллар.	АҚШнинг глобал терроризмга қарши кураши ва Хитойнинг кучайишига қарши ҳаракатлари.	АҚШ 2001 йил 11 сентябрь ҳужумларидан сўнг Афғонистонга қўшин киритди; АҚШ Покистон билан терроризмга қарши курашда ҳамкорлик қилди ва Ҳиндистонни Хитойга қарши стратегик ҳамкор сифатида кўрди.
7.	2021 йилдан ҳозирги кунгача.	АҚШнинг Афғонистондан чиқиши ва Ҳиндистон билан стратегик ҳамкорликка эътибор қаратиш даври.	АҚШ Афғонистондан қўшинларини олиб чиқди; АҚШ Ҳиндистонни “Мудофаа соҳасидаги асосий ҳамкор” сифатида кўрди ва Покистон билан терроризмга қарши ҳамкорлигини давом эттирди.

Жадвал. АҚШнинг Жанубий Осиёдаги ташқи сиёсатининг генезиси.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Жанубий Осиё минтақасида АҚШ ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари**” деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфи “**Минтақа кесимида АҚШ ва Ҳиндистоннинг замонавий муносабатлари**”га бағишланган. Диссертантнинг фикрича, АҚШ ва Ҳиндистон алоқаларининг негизини конструктивистик омил, чунончи, ўзаро ўхшаш эътиқодлар ташкил этади. Демократия, либерализм, инсон

ҳуқуқлари ва тенглик каби тушунчалар иккала давлатда ҳам улуғланади. Умумий бўлган тушунчалар қарор қабул қилувчи элита ҳамда халқ идрокига бевосита таъсир этади. Бу охир-оқибатда ижобий алоқалар ривож топишига олиб келади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўз тарихида бир нечта ҳарбий инқилобларни бошдан ўтказган Покистонга қараганда Ҳиндистон демократия индекси бўйича юқори ўринда турувчи давлат ҳисобланади. АҚШ томонидан Покистонга терроризмнинг марказларидан бири сифатида ёндашилиши, уларнинг алоқаларига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам америкаликлар демократик ғояларни олға сураётган Ҳиндистон тимсолида Покистонга қараганда кўпроқ ишончли ҳамкорни кўришади.

Замонавий даврда АҚШ Ҳиндистонга нисбатан ўз ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини қуйидаги истиқболларда намоён этмоқда:

1. Ҳинд-Тинч океани макроминтақасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш;
2. Турли хил минтақавий иттифоқлар доирасида Жанубий Осиёда хавфсизликни таъминлаш;
3. Ҳиндистоннинг минтақавий етакчилик мақомини тан олиш ва уни қўллаб-қувватлаш.

АҚШ Ҳиндистонни Жанубий Осиё ва Ҳинд океани худудида етакчи давлат сифатида кўриб, унинг Тўрт томонлама хавфсизлик диалоги (Quadrilateral Security Dialogue / QUAD) форумидаги ролига ҳамда Жанубий-Шарқий Осиёдаги фаоллигига юқори баҳо бермоқда. Шунингдек, уни минтақавий ривожланиш асоси сифатида қўллаб-қувватлаш ғоясига содиқ қолмоқда.

“АҚШ-Покистон замонавий муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган навбатдаги параграфда АҚШ-Покистон алоқаларининг конструктивистик жиҳатларга эгаллиги хусусида фикр юритилган. 1947 йилдан бугунги кунга қадар давом этаётган тарихий жараён бунинг исботидир. АҚШ маъмурияти Покистонга НАТОга кирмаган асосий иттифоқчи сифатида баҳо беради. Давлатлар иттифоқчи сифатида Совет-афғон уруши (1979-1989йй.) ҳамда АҚШнинг Афғонистонда терроризмга қарши курашида (2001-2021йй.) иштирок этганлар. Урушлар уларнинг муносабатларини мустаҳкамлаган бўлса-да, унинг якуни алоқаларда узилиш пайдо бўлишига олиб келган. Бундан ташқари, ушбу икки давлат муносабатларига АҚШ-Ҳиндистон алоқалари ҳам таъсир кўрсатади. Бу муносабатларда ўзига хос бўлган динамикани ҳосил қилади, яъни АҚШ-Ҳиндистон алоқалари домино эффекти билан АҚШ-Покистон муносабатларида ўз аксини топади.

АҚШнинг Покистонга нисбатан ёндашуви, асосан, уч асосий йўналишни қамраб олади: Афғонистон масаласи, терроризмга қарши кураш ва ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш.

“Ҳиндистон-Покистон ўзаро муносабатларида АҚШ омили” номли параграфда Ҳиндистон ва Покистон давлатларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзаро алоқалари конструктивизм халқаро муносабатлар назариясининг намуналаридан бири ҳисобланиши таъкидланган. 1947 йили ислом дини негизида Покистон давлати ва Ҳинд цивилизацияси асосида

Ҳиндистон давлати вужудга келади. Шундай қилиб, мафкура ва мавхум тушунчалар асосида халқаро муносабатлар тизимида икки йирик давлатга асос солинади. Ҳиндлар ва мусулмонлар шунчаки иккига ажралишмайди, улар ўртасида уруш ҳаракатлари бошланади. Бу 1947-1948 йилларда бўлиб ўтган биринчи Ҳиндистон ва Покистон урушига олиб келади. Мафкураларга асосланган бу конфликт сиёсий конструктивизмнинг мисоли ҳисобланади. Чунки асрлар давомида мафкура ва диндаги фарқларга қарамасдан, ўзаро дўст бўлиб келган инсонларнинг тўсатдан бир-бирига душманга айланиб қолиши иррационал ҳодиса сифатида баҳоланади. Буни инсон фикрларининг ўзгариши ва идрокнинг қарама-қаршилиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам бу икки давлат ўртасидаги муносабатлар узининг анча совуқлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунга қадар улар ўртасида тўрт мартаба урушлар бўлиб ўтган: 1947-1948 йй., 1965 й., 1971 й. ва 1999 й.

АҚШ бу икки давлат ўртасида уруш келиб чиқишини истамаслиги қуйидаги сабабларга боғлиқдир:

Биринчидан, уруш бошланган тақдирда, АҚШнинг Ҳиндистонга ён босиши эҳтимоли катта. Бу эса, ўз навбатида, АҚШнинг Покистон билан алоқаларини янада узоқлаштириб, Хитой-Покистон тандемини кучайтириши мумкин. Бу АҚШ манфаатларига унчалик тўғри келмайди;

Иккинчидан, мазкур минтақада Афғонистондан ташқари яна бир муаммонинг пайдо бўлиши АҚШнинг диққат эътиборини янада кучайтиради. Бу эса Ҳинд-Тинч океани минтақасига эътиборнинг сусайиб қолишига ва бу ерда айрим позицияларнинг бой берилишига олиб келиши мумкин;

Учинчидан, ушбу икки ядро қуролига эга бўлган давлатнинг ўзаро ихтилофи АҚШнинг глобал стратегиясига катта зиён етказиши мумкин;

Тўртинчидан, мазкур уруш ташқи кучлар, хусусан, Хитой ва Россиянинг аралашувини ва кейинчалик уларнинг позициялари кучайишини тақозо қилиши мумкин;

Бешинчидан, уруш бошланиши АҚШнинг йирик иқтисодий ҳамкорлари жойлашган Жанубий Осиё минтақасида улкан иқтисодий йўқотишлар ҳамда инқирозларга олиб келиши мумкин.

Диссертантнинг фикрича, шу боис АҚШ Покистон ва Ҳиндистоннинг алоқаларини яхшилашга дипломатик воситалар билан ҳаракат қилади. Покистон масаласида АҚШ катта эҳтимол билан ушбу давлатни демократлаштириш сиёсатини олға суради. Чунки демократик Покистон ва Ҳиндистон ўртасида зиддият ўчоқлари йўқолиши эҳтимоли мавжуд. Нега деганда, демократик давлатлар умумий қадриятларга эгаллиги сабабли камдан-кам ҳолатда ўзаро нифоққа борадилар.

Кашмир масаласига келадиган бўлсак, ушбу муаммони АҚШ Ҳиндистон ва Покистон ўртасида ҳал қилиниши лозимлиги, аммо бир вақтнинг ўзида, Кашмир аҳолисининг истак ва хоҳишлари инобатга олинишини илгари суради. Бугунги кунда ушбу ҳудуднинг аксарият ёшлари сиёсий автономия фикрини қўллаб-қувватлайди.

“Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўзаро боғлиқлигида ташқи кучларнинг ўрни” деб номланган учинчи бобнинг биринчи параграфида **“Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигида Россия ва**

Хитойнинг ёндашувлари” таҳлил қилинган. Россиянинг Евроосиё, хусусан, Марказий ва Жанубий Осиёдаги ташқи сиёсати конструктивистик жиҳатларга эгадир. Ушбу давлат томонидан илгари сурилаётган “евроосиёчилик” ҳамда “Глобал Жануб”га мансублик ғоялари цивилизациялар ўртасидаги тўсиқларни енгиб ўтиб, янги форматдаги интеграция платформаларини яратишга қаратилган. BRICS (Brazil, Russia, India, China, South Africa давлат номларининг бош ҳарфи) платформаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) каби ташкилотлар бунинг воситасидир.

Россия минтақалар боғлиқлигидаги аксарият лойиҳалар: “Бир макон, бир йўл”, “Шимол-Жануб”, Трансафғон ва Хитой-Покистон иқтисодий коридор (China-Pakistan Economic Corridor / СПЕС)ларининг ривожини қўллаб-қувватлайди. Бу унга “евроосиёчилик” мегалойиҳасининг амалга ошишида қўл келади. Шунингдек, мазкур йўллар орқали Россия ўз нефть ва газ маҳсулотларини Ҳиндистонга экспорт қилиш ҳажмини янада оширишни кўзламоқда. Бинобарин, Россиянинг минтақалараро боғлиқликда мустақил ва стратегик лойиҳаларга эга эмаслиги унинг ушбу соҳадаги мавқеини заифлаштирмоқда. Бундан ташқари, Россия Федерацияси ушбу боғлиқликни фақатгина ўз иқтисодий манфаатлари, хусусан, нефть ва газ экспорти имкониятларини кенгайтириш йўлидаги восита сифатида қабул қилади.

Мазкур боғлиқликка Хитой конструктивистик ракурс орқали ёндашиб, уни амалга ошириш воситаси сифатида институционал жиҳатдан ёндашмоқда. Бунда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини, прагматик иқтисодий мақсадлардан келиб чиқиб эса “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси ва унинг узвий бўғинлари бўлмиш Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон, Термиз-Мозори-Шариф-Кобул-Пешовар темир йўллари ва Хитой-Покистон иқтисодий коридорини кўради. Мазкур коридорлар Хитой учун денгиз савдо йўлларига муқобил бўлган қуруқлик савдо коридорлари ҳисобланади ва бу пировардида, савдо йўлларининг диверсификациясига олиб келади.

“Жанубий ва Марказий Осиё минтақаларида АҚШ лойиҳалари” деб номланган навбатдаги параграфда, асосан, уч лойиҳа – Трансафғон коридори, ТАПИ (Туркманистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон) газ қузури ва CASA-1000 (Central Asia – South Asia) электр энергиясини ўтказиш лойиҳалари линияси истиқболларига бағишланган. АҚШнинг Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларига бўлган ташқи сиёсатида қуйидагиларни кўриш мумкин:

Биринчидан, АҚШнинг мазкур боғлиқликка бўлган ташқи сиёсати конструктивистик жиҳатларга эгадир. Х. Карзай ва А. Ғани ҳукумати даврида (2002-2021 йй.) минтақалар боғлиқлигига йирик лойиҳалар, хусусан, Трансафғон коридори, ТАПИ, CASA-1000 каби лойиҳалар орқали ёндашилган бўлса, Афғонистон ҳукуматида АҚШ кадриятлари ва мафқурасига зид бўлган Толибон келиши (2021 й.) билан, мазкур лойиҳаларга бўлган қизиқиш сўнди ва молиялаштириш тўхтатилди. 2024 йил АҚШ президентлик сайловларидан сўнг Д. Трампнинг ҳокимиятга қайтиши мазкур ҳолат қайта кўриб чиқилишига олиб келиши мумкин;

Иккинчидан, АҚШ Марказий Осиё минтақасига конструктивистик ёндашув доирасида яхлит бир тушунча сифатида ёндашиб, уни алоҳида стратегик ҳудуд мақомига кўтаришга интилаётгани қайд этилмоқда. Бу жараёнда С5+1 платформаси воситасида ўзаро мулоқот механизми ташкил этилган бўлиб, у орқали АҚШ минтақадаги давлатлар билан самарали алоқалар ўрнатиш ва шериклик муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган интегратив ёндашувни қўлламоқда;

Учинчидан, АҚШнинг ушбу ҳудудда кучли таъсирини сақлашига керакли даражада салоҳияти етмади. 2021 йил Афғонистондан бутунлай чиқиб кетганлиги бунинг яққол исботидир. Бинобарин, АҚШ мазкур минтақада Россия, Эрон ва борган сари қудрати ошиб бораётган Хитойнинг кучли таъсири бўлишини истамайди. Шу аснода АҚШ ташаббуси остидаги интегратив платформа маълум бир миқдорда кучлар мувозанатини ушлашга дастак бўлиши мумкин.

“Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари боғлиқлигида Ўзбекистоннинг аҳамияти” параграфида Жанубий Осиё билан алоқалар негизи Марказий Осиёдаги яхши кўшничилик сиёсатига боғлиқ эканлигини асослаб берилган. 2016 йил Ўзбекистонда Ш.Мирзиёев Президент этиб сайланганидан сўнг, 2019 йилда Қозоғистонда Қ-Ж.Токаев ва 2021 йилда Қирғизистонда С.Жапаров давлат раҳбари этиб сайланиши минтақадаги конструктив муҳитни янада илиқлаштирди.

Жанубий Осиё билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш Ўзбекистоннинг қуйидаги ташқи сиёсий манфаатларидан келиб чиқади:

